

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

292 Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагро-экспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 7 апрелдаги ПҚ–2515-сон ҳамда «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ–2520-сон қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумнинг экспортини тартибга солиш, хорижий валютадаги тушум тушиши ва унинг мажбурий сотилиши юзасидан самарали назоратни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Хўжалик юритувчи субъектларга:

мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумни (ТИФ ТН коди 07-08) барча транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда экспорт қилишга;

мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумни (ТИФ ТН коди 07-08, 1202) нақд хорижий валютага, маблағларни банкларнинг кассалари орқали белгиланган тартибда экспорт қилувчиларнинг ҳисоб рақамларига ўтказган ҳолда, шунингдек тўловни норезидентларнинг халқаро тўлов карталаридан қабул қилиш йўли билан экспорт қилишга;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

2016 йил 1 июлгача янги мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумни кредиторлик қарзлари суммасига ҳамда илгари тузилган экспорт контрактлари бўйича 2016 йил 1 майдаги ҳолатига кўра очилган аккредитивлар бўйича экспорт қилишга рухсат этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишга фитосанитария сертификатларини расмийлаштиришда уларда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум турлари (навлари) ва етиштирилган минтақа (вилоят, туман) кўрсатилишини қатъий равишда таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 15 июнь,
207-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 15 июндаги 207-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини
экспорт қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 7 апрелдаги ПҚ–2515-сон ҳамда «Мева-сабзавот, картошка

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизими-ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 12 апрелда-ги ПҚ–2520-сон қарорларига мувофиқ янги ва қайта ишланган мева-сабза-вот маҳсулотларини экспорт қилиш, хорижий валютадаги тушумнинг кафо-латли тушиши ва мажбурий сотилишини назорат қилиш тартибини белги-лайди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мева-сабзавот маҳсулотларини экс-порт қилиш юзасидан биржаларда тузилган контрактларини ҳисобга олиш хусусиятлари биржалар фаолиятини регламентловчи қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

II. Асосий тушунчалар

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

мева-сабзавот маҳсулотлари — сабзавотлар, мевалар, полиз маҳсу-лотлари ва узум (ТИФ ТН коди 07, 08, 1202);

янги мева-сабзавот маҳсулотлари — ушбу Низомга 1-иловада* кел-тирилган рўйхатга мувофиқ сабзавотлар, мевалар, полиз маҳсулотлари ва узум;

қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари — ушбу Низомга 1-иловада келтирилган янги мева-сабзавот маҳсулотлари (сабзавотлар, ме-валар, полиз маҳсулотлари ва узум) рўйхатига киритилмаган сабзавотлар, мевалар, полиз маҳсулотлари ва узум;

экспорт қилувчилар — мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари билан экспорт контрактлари тузган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резид-ентлари;

экспорт контракти — мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг резиденти билан норезиденти ўрта-сида тузилган хўжалик шартномаси;

валюта свопи операцияси — валютани айни бир вақтда сотиб олиш ва сотиш (айирбошлаш) бўйича икки томонлама битим. Бунда бундай би-тимнинг муайян шартлари орқали улар бўйича муддатда ва бундай битим-нинг муайян шартлари бўйича валюта курсида ҳисоб-китоб қилиш (тескари айирбошлаш) шарт қилиб қўйилади. Валюта свопи операцияси икки қисм-дан иборат бўлади. Булар: биринчи қисмини амалга оширишда валюталар-ни бирламчи айирбошлаш (своп-битим) юз беради, иккинчи қисмини амал-га оширишда аксинча айирбошлаш ва своп-контрактни ёпиш (форвард-би-тим) юз беради.

III. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш

3. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш маълумотлари экспорт

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

қилувчи томонидан Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига (кейинги ўринларда ТСОЯЭАТ деб аталади) киритилган экспорт контракти асосида амалга оширилади.

4. Янги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш хорижий ҳамкорлар билан тузилган тўғридан-тўғри экспорт контрактлари, шунингдек фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари билан тузилган воситачилик шартномалари асосида фақат «Ўзагроэксспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси (кейинги ўринларда «Ўзагроэксспорт» АЖ деб аталади) томонидан амалга оширилади.

5. Мева-сабзавот маҳсулотлари юзасидан экспорт контракти тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари «Ўзагроэксспорт» АЖга мурожаат қиладилар.

«Ўзагроэксспорт» АЖ тушган мурожаатларни уч кун муддатда кўриб чиқадилар, музокаралар олиб борадилар. Музокаралар якунлари бўйича, хар иккала томон розилик билдирган тақдирда, белгиланган тартибда экспорт контрактлари ва воситачилик шартномалари тузадилар.

6. Воситачилик шартномалари бўйича мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда «Ўзагроэксспорт» АЖнинг воситачилик ҳақи миқдори 1 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак, шу жумладан воситачилик шартномаси бўйича экспортнинг амалдаги ҳажми 1 млн доллардан ортиқ бўлганда воситачилик ҳақи миқдори 0,8 фоизни, 5 млн доллардан ортиқ бўлганда — 0,6 фоизни, 10 млн доллардан ортиқ бўлганда — 0,5 фоизни, 20 млн доллардан ортиқ бўлганда — 0,4 фоизни ва 50 млн доллардан ортиқ бўлганда — 0,1 фоизни ташкил этади.

Воситачилик ҳақи юзасидан воситачилик шартномалари бўйича фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари билан узилкесил ҳисоб-китоблар воситачилик шартномаси амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин амалга оширилади.

7. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш фақат қуйидаги шартларда амалга оширилади:

қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда — 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш ёки очиқ тасдиқланган аккредитив суммасига ёхуд биринчи даражали хорижий банкнинг кафолати суммасига;

янги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда — юклаб жўнатилган маҳсулот қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўлаш, қолган қисмига тасдиқловчи аккредитив очилади ёхуд биринчи даражали хорижий банкнинг кафолати расмийлаштирилади.

8. Экспорт контрактида контракт валютаси ва тўлов хорижий валютада кўрсатилади.

Ушбу Низомда назарда тутилмаган экспорт контрактларига ва уларнинг бажарилишига қўйиладиган талаблар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори билан

тасдиқланган Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари қўлла-нилади.

IV. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда нарх белгилаш

9. Экспорт контрактлари жаҳон бозорларидаги конъюнктура нархлари-дан келиб чиқиб Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг, доимий ишлайди-ган мева-сабзавот майдончаларининг ярмарка савдолари яқунлари бўйича шаклланадиган ўртача нархлар ҳисобга олинган ҳолда талаб ва таклиф асо-сида шаклланадиган бозор нархлари асосида тузилади.

10. «Ўзагроэксспорт» АЖ томонидан ҳар ҳафтада оммавий ахборот воси-таларида ва ўзининг расмий веб-сайтида мева-сабзавот маҳсулотларига экс-порт нархлар даражаси тўғрисида ахборот эълон қилинади.

Бунда экспорт контрактлари контракт тузилган кунда «Ўзагроэксспорт» АЖ томонидан эълон қилинган нархлардан паст бўлмаган нархлар бўйича тузилади.

11. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга божхона расмийлаштируви ушбу Низомнинг 7-банди талабларига мувофиқ экспорт контрактларида кўрса-тилган нархлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

V. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларнинг экспорт контрактларига хизмат кўрсатиш

12. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларнинг экспорт контрактларига, шунингдек мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилув-чилар билан воситачилик шартномалари тузган хўжалик юритувчи субъектларнинг импорт контрактларига хизмат кўрсатиш тижорат банк-лари томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оши-рилади.

Тижорат банки томонидан 1 (бир) кун мобайнида:

экспорт қилувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган зарур ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан бошлаб — экспорт қилувчига хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақами очилади;

валюта маблағлари тушган пайтдан бошлаб — ТСОЯЭАТга экспорт қилишга экспорт контракти бўйича олдиндан тўланган ҳақ тўғрисидаги ах-борот киритилади;

очиқ тасдиқланган аккредитив ёхуд биринчи даражали хорижий банк-нинг экспорт контракти шартларига мувофиқ расмийлаштирилган қафолати тўғрисидаги ахборот ТСОЯЭАТга киритилади — улар ҳақидаги тегишли ахборот тушган пайтдан бошлаб;

мажбурий сотиш амалга оширилган санадан бошлаб — сотилган хори-

жий валютага тенг бўлган маблағ сўмларда «Ўзагроэксспорт» АЖнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишдан олинган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш

13. Янги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишдан олинган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш, шартномалар шаклларида ва қонун ҳужжатлари томонидан берилган имтиёزلардан қатъи назар, «Ўзагроэксспорт» АЖ томонидан тушган маблағлар суммасининг 50 фоизи миқдорда амалга оширилади.

«Ўзагроэксспорт» АЖ хорижий валютадаги тушум тушгандан кейин 5 банк куни мобайнида мажбурий сотишни амалга оширишга топширқномани тақдим этмаган тақдирда тижорат банки мажбурий сотишни акцептсиз тартибда амалга ошириши шарт.

Хорижий валютадаги тушумнинг бир қисмини мажбурий сотиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хорижий валютадаги тушум сотилган кунда амалда бўлган курси бўйича амалга оширилади.

14. «Ўзагроэксспорт» АЖнинг буюртманомаси бўйича олдиндан тўланадиган ҳақ «Ўзагроэксспорт» АЖнинг ҳисоб рақамига тушганда хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш экспорт ҳақиқатда амалга оширилгандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Бунда:

хорижий валютадаги тушум суммасининг 50 фоизи кейинчалик қонун ҳужжатларига мувофиқ ундан фойдаланиш учун хорижий валютада «Ўзагроэксспорт» АЖнинг ҳисоб рақамига ўтказилишига;

мажбурий сотилиши керак бўлган ва талаб қилиб олинадиган иккиламчи (транзит) депозит ҳисоб рақамида турган хорижий валютадаги тушум суммасининг қолган 50 фоизи экспорт ҳақиқатда амалга оширилгунга қадар валюта свопи битими бўйича «Ўзагроэксспорт» АЖ томонидан тижорат банкига сотилишига йўл қўйилади.

15. Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишдан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби талабларига мувофиқ амалга оширилади.

16. «Ўзагроэксспорт» АЖ томонидан тузилган экспорт контрактлари бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш ва «Ўзагроэксспорт» АЖ, тижорат банклари ва валюта назорати органлари ўртасида ахборот айирбошлаш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича белгиланган тартибда ТСОЯЭАТ воситасида амалга оширилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

17. «Ўзагроэксспорт» АЖ, тижорат банклари ва давлат божхона хизма-

ти органлари тегишли ахборот ТСОЯЭАТга ўз вақтида киритилиши ва унинг ишончлилиги учун жавоб берадилар.

18. «Ўзагроэксспорт» АЖ ўзи томонидан тузилган экспорт контрактлари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарз учун жавоб беради.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

«Ўзагроэксспорт» АЖ томонидан тузилган экспорт контрактларининг бажарилиши мониторинги ҳамда «Ўзагроэксспорт» АЖ, тижорат банки ва валюта назорати органлари ўртасида ахборот айирбошлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
I босқич	«Ўзагроэксспорт» АЖ	1. Жаҳон нархлари конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг, доимий фаолият кўрсатувчи мева-сабзавот майдончасининг ярмарка савдолари яқунлари бўйича вужудга келаётган ўртача нархларни ҳисобга олган ҳолда талаб ва таклиф асосида нархларни ўрганиш ва шакллантириш. 2. Оммавий ахборот воситаларида «Ўзагроэксспорт» АЖнинг расмий веб-сайтида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт нархлари даражаси тўғрисида ахборот эълон қилиш.	Ўтказилган Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси, доимий фаолият кўрсатувчи мева-сабзавот майдончаси яқунлари бўйича Ҳар ҳафтада
II босқич	«Ўзагроэксспорт» АЖ, хўжалик юритувчи субъект	Хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри контрактлар, шунингдек фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан воситачилик шартномалари тузиш.	Ўтказилган музокаралар яқунлари бўйича
III босқич	«Ўзагроэксспорт» АЖ, хўжалик юритувчи субъект	Экспорт контрактлар бўйича маълумотларни (умумий ахборотни) Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида (ТСОЯЭАТ) киритиш.	Экспорт контрактлари тузилгандан кейин
IV босқич	Тижорат банки	1. Экспорт контрактлари бўйича маълумотларни (маблағлар ҳаракати тўғрисида маълумотлар, шу жумладан: дастлабки тўловнинг тушиши, аккредитив очилиши ёки кейинчалик ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотномаларни тасдиқлаган ҳолда, биринчи даражали хорижий банкнинг муқобил кафолати мавжудлиги) ТСОЯЭАТга киритиш. 2. Мониторинг олиб бориш.	Ҳисоб-китобларни амалга оширишда Ҳар кун

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
	Давлат божхона қўмитаси органлари	1. Экспорт контракти бўйича маълумотларни (товарлар келганлиги тўғрисидаги ахборотни) ТСОЯЭАТга киритиш. 2. Мониторинг олиб бориш. 3. Божхона ва валютага оид қонун ҳужжатлари, ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби бузилиши ҳолатлари аниқланганда солиқ органларига ахборот бериш.	Товар келиб тушганда ёки юклаб жўнатилганда Ҳар куни Ҳолатлар аниқланганда
V босқич	Давлат солиқ қўмитаси	Мониторинг олиб бориш.	Ҳар куни
	Марказий банк	Мониторинг олиб бориш.	Ҳар куни

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 15 июндаги 207-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 августдаги 249-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 8-сон, 75-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Белгилаб қўйилсинки, мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни (ТИФ ТН коди 07-08) экспорт қилиш белги-ланган тартибда барча транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Товар-хомашё биржаси орқали юридик ва жисмоний шахслар томонидан экспортга фақат эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган товарлар рўйхатига қуйидаги мазмундаги 63-позиция қўшилсин:

« 63. Мева-сабзавот маҳсулотлари | 07, 08, 1202 ».

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 15 июндаги 207-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 августдаги 249-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2016 йил 20 январдаги 13-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 4-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 августдаги 249-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида» 2016 йил 1 апрелдаги 100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 131-модда).